

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.АБДУҚОДИРОВ, Д.УМУРЗАКОВА

Сунъий нейрон тармоқлари ёрдамида нутқни таниш масалаларини тадқиқ этиш 5

КИМЁ

Н.ЎЛАКОВ, И.АСҚАРОВ, Ю.ИСАЕВ, Қ.ОТАХОНОВ

Ферроценкарбон кислотанинг айрим ҳосилалари синтези ва уларни ТИФ ТН асосида синфлаш 11

А.ЕШИМБЕТОВ, Ш.КУРБАНБАЕВА, Ш.ТУРҒУНБОЕВ, А.ХАИТБАЕВ

Бетулиннинг назарий ва экспериментал геометрик характеристикаларини таққослаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

И.ЗОКИРОВ

Ширалар (APHIDIDAE) популяция динамикасининг регрессион таҳлили 22

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Г.ЮЛДАШЕВ, М.ИСАГАЛИЕВ, Д.ДАРМОҶ

Чўл минтақа тупроқларига коллектор-зовур сувларининг таъсири 26

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.АБДУЛЛАЕВ, К.КУРПАЯНИДИ

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш масалалари ҳақида 32

ТАРИХ

Р.АРСЛОНЗОДА

XIX асрнинг 60-70-йиллар рус матбуоти саҳифаларида Алимқули амирлашкар сиймоси 38

Д.ЭШБЕКОВА

Ташвиқот кампаниялари, МОПР ташкилотининг Ўзбекистондаги учрашув ва митинглари (1920) 42

М.РАСУЛОВ

Ўзбек миллий қадриятларининг тикланиши ва мустақамланишида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ўрни 46

Н.ҲАМАЕВ

Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат – даврий матбуот нигоҳида 50

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Й.СОЛИЖОНОВ

Бадий ҳақиқат ва муаллиф муносабати 54

Л.ПУЛАТОВА

Романнинг жанр-услубий янгиланиши 58

К.ТОПВОЛДИЕВ

Пушкиннинг “Қуръонга тақлид” циклидаги ориентализм 62

Г.ЕСКАРАЕВА

Поэтик матнда ёруғлик ва ранг тилсимоти 66

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Г.РОЗИҚОВА

Стилистика – ифодали нутқ тизими 69

УДК: 947 (575.1)

ТУРКИСТОНДА ШҶРО ТУЗУМИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ ДАВРИЙ МАТБУОТ НИГОҲИДА

Н.Ҳамаев

Аннотация

Мақолада Туркистонда шҶро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихининг даврий матбуот саҳифаларида ёритилиши масаласи кўриб чиқилади. Бу ҳаракатга даврий матбуотнинг муносабати газеталардаги унинг келиб чиқиш сабаблари ва асосий омилларини очиб берувчи материаллар асосида таҳлил этилади.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы освещения на страницах периодической печати вооруженной борьбы в Туркестане против советского режима. Анализируется газетный материал, раскрывающий характер и основные факторы этого движения и причины его возникновения.

Annotation

The article deals with the coverage of the armed struggle in Turkestan on the pages of the periodical press against the Soviet regime. The newspaper material revealing the nature and main factors of this movement and the reasons for it's occurrence is analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: “босмачилик”, даврий матбуот, кўрбоши, ревком, кенгаш, манбашунослик, “Красная Фергана”, “По басмачу”

Ключевые слова и выражения: “басмачество”, периодическая печать, курбаши, ревком, совет, источниковедение, “Красная Фергана”, “По басмачу”

Keywords and expressions: “basmachies movement”, periodical press, kurbashi, revolutionary committee, soviet, source study, “Krasnaya Ferghana”, “Po basmachu”

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз ўтмишини холисона ёритиш имконияти пайдо бўлди. Ота-боболаримизнинг озодлик, миллий мустақиллик учун олиб борган курашини турли манбалар асосида ҳар томонлама ўрганиш тарих фанининг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳам ўз маъруза, рисола ва асарларида, тарихчи олимлар билан учрашувида мустақиллик учун курашган истиқлолчиларнинг ҳаёти биз учун ўрناق бўлишини, ёшларни ватанпарварлик, миллий кадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг кураш йўлини ўрганиш долзарб масала бўлиб турганлигини таъкидлаган.

Туркистон тупроғида 1918-1934 йилларда рўй берган шҶро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихи кенг ўрганилган масалалардан бири саналса-да, унинг манбашунослиги ҳали тўлиқ ёритилмаганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, бу кураш тарихини ўз саҳифаларида акс эттирган асосий манбалардан бири - ўша давр вақтли матбуоти материаллари ҳали тўлалигича илмий

муомалага киритилгани йўқ.

Собиқ совет давлатини ларзага солган бу ҳаракат 1920-1930 йиллар матбуоти саҳифаларида муҳим ўрин тутган. Шу боис, ўша даврда чоп этилган газета ва журналларда қуролли ҳаракатни келтириб чиқарган омиллар, унинг бошланиши, ривожланиб бориши, хронологик ва географик чегараси, яқунлари ҳақидаги маълумотлар узлуксиз равишда бериб борилган. Демак, даврий матбуот истиқлолчилик ҳаракати тарихини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ШҶро тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг дастлабки даврида матбуот органлари унинг келиб чиқишини асосан Туркистоннинг ўзида юз берган сиёсий ва ижтимоий воқеалар билан боғлаган. Бу борадаги дастлабки маълумотлар “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида келтирилади. Лекин бу маълумот жуда қисқа бўлганлигини айтиб ўтиш лозим. Газетада ёзилишича, истиқлолчилик ҳаракати Туркистон мухторияти мағлубиятидан сўнг вужудга келди ва бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди [12; 6.32-33].

Н.Ҳамаев – ФарДУ, катта ўқитувчи.

Газетада келтирилган фикрнинг асосли эканлигини

ТАРИХ

Фарғона вилоят Ҳарбий-инқилобий кўмитаси раиси Ю.Киршиннинг қуйидаги фикрлари ҳам исботлайди: “Фарғона фуқаролар уруши алангасида ёнмоқда. Ҳар бир бой, уламо, рус қулоғининг уйи босмачилар қароргоҳига айланди. Қизил аскарлар Фарғонанинг барча мусулмонлари босмачи эканини таъкидламоқдалар ... Аслида, бу аҳволни совет ҳокимиятининг нотўғри асосда қурилганлиги билан изоҳлаш лозим Босмачилик - Фарғонадаги мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. Босмачилик ҳозир ҳам ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳарбий қисмларнинг ўз-ўзича “тақсимланиши”, ғалла монополиясининг жиноий йўл билан амалга оширилиши, тақсимот эса садақа тусини олиши чарчаган босмачиларга қайтадан куч беряпти” [8].

20-йиллар даврий матбуотида истиқлолчилик ҳаракатининг келиб чиқиши ва унинг кенг миқёсда авж олиши Туркистон Мухторияти билан боғлиқлигини акс эттирувчи маълумотлар учрайди. Бунга “Қизил байроқ” газетасида келтирилган қуйидаги маълумот далил бўла олади: “1917-1918 йилларда, бутун қиш давом этган очлик аввалдан бу ҳудудда мавжуд бўлган босмачилик ва ўғрилиқни баттар кучайтирди. Қўқон Мухторияти ҳукумати, жанубий Россия қозоқлари билан бирлашиб, Шўро ҳукуматига қарши курашга отланганда, бутун минтақада бирдан-бир қуролли куч бўлган босмачиларни ўз ёнига тўплай олди. Демак, беш йилдан буён Фарғона меҳнаткашларини азоблаб келаётган босмачиларни бир ерга тўплагувчилар, бу - тескари ҳаракатчи бойлар (совет ҳукуматига қарши кишилар – Н.Ҳ.), мулкдорлар ва улар тузган Мухтор ҳукуматлари эди” [14].

Аммо Мухторият ҳукумати ва истиқлолчилар ўзаро яқин алоқада бўлганлар, деб бўлмайди. Аммо шўро матбуотида бундай фикрнинг билдирилиши истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки йўлбошчиси - Кичик Эргашнинг Туркистон Мухторияти ҳукуматида мишраббошилиқ лавозимини эгаллаганлигини ҳисобга олган, деб тахмин қилиш мумкин. Истиқлолчилик ҳаракатининг яна бир кўзга кўринган намояндаси – Мадамминбек ҳам бир вақтлар совет ҳукумати органларида фаолият кўрсатганини эслатиб ўтиш керак.

Матбуот совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг ривожланиши, қўрбошилар ва улар фаолият кўрсатган ҳудудлар борасида ҳам маълумотлар бериб борган. Бу ҳақда ўша

давр матбуоти саҳифаларида келтирилган қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: “1918 йилда бир неча юз кишидан иборат босмачи фирқалари (тўдалари – Н.Ҳ) ҳар қайда ҳукм сурардилар. Бундай катта фирқалар жуда кўп эди. 1918 йилнинг охирида улар бир марказга тўпланишга тиришиб кўрдилар. Ҳўқанд районида Эргаш, Марғилон томонда Муҳаммад Амин, Андижон томонида Маҳкам ҳожи, Ўш районида Холхўжа, Наманганда Омон полвон. Мана шу катта кучга эга бўлган фирқаларнинг барчаси босмачилар эди. Ушбу вақтда (1918-1920) керак сон ва керак ваҳшат жиҳатидан босмачилар тараққиётининг энг олий даражасига етган эдилар. Оч халқни ҳеч бир тафтишсиз таладилар, хотун-болаларни ўлдурдилар ва ҳоказо. Мана шунча жабр-зулмга чидай олмасдан, халқ бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга мажбур бўлди” [10].

Юқоридаги фикрларни билдирган Нурмат исмли шахс гарчи большевикларга хизмат қилган бўлса-да, Туркистонда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган хунрезликларни қайд этиб, большевиклар ноҳақ қон тўкканлигини таъкидлаган. Шўро ҳокимияти томонидан ўлкамизга юборилган “Дашнакцутюн” номи остида ҳаракат қилган ҳақиқий босмачилар, талончилар истиқлолчиларга қарши курашни бутун бошли туркий халқларни қиришдан, уларнинг мол-мулкларини талон-торож қилишдан, хотин-қизларини хўрлашдан иборат, деб тушунган ва шунга қатъий амал қилганлар. Демак, совет ҳукумати истиқлолчиларга қарши кураш жараёнида хатоликларга йўл қўйганлиги матбуот орқали аҳолига маълум қилинган, буни ҳукуматнинг ўзи ҳам тан олган.

Истиқлолчилик ҳаракати ривожланиб, қўрбошилар фаолиятининг кучайиши билан унга қарши матбуотнинг “ҳужум”и ҳам ортиб борди. Даврий матбуот асосий эътиборни ҳаракатнинг салбий томонларини ёритишга қаратди. Газеталар бутун Туркистонга ёйилган шўроларга қарши ҳаракатнинг 1920-1924 йиллар мобайнидаги харитасини жуда аниқ ва тўлиқ акс эттирди. Бу даврда шўро ҳукумати “босмачилик”ни тугатиш учун сиёсий ўйинларни йиғиштириб, қурол кучи ва зўрлик билан ҳаракат қилиш тўғрисида қатъий қарорга келди [1; 2.38-39; 3.196-197; 5; 7; 4.90-93].

Истиқлолчилик ҳаракатининг 1921-1924 йиллардаги манзараси матбуот саҳифаларида ёритилар экан, эълон қилинган мақолалар

муаллифлари халқнинг барча ижтимоий муаммоларига “босмачи”ларни айбдор деб билдилар. Газеталар саҳифаларида чоп этилган кўплаб материаллар истиқлолчиларга қарши қаратилган бўлса-да, улар оригиналлиги ва ҳақиқатга яқинлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, “Туркистон” газетаси саҳифаларида эълон қилинган материалларда 1920-1922 йилларда Фарғона водийсида юз берган қийинчиликлар шундай изоҳланади: “Фарғона музофотида 1917 йилдан бери босмачилар ҳаракати давом этадир. Фарғонанинг кўп қисми култепага айланди. Юртнинг хўжалиғи барбод қилинди. Фарғона завод-фабрикалари тўхтади. Ҳозир Фарғона халқи ишсизликдан оч-яланғоч ҳолда нон тилаб юрадир” [11]. Ҳақиқатан ҳам айни шу пайтда Туркистонда советларга қарши қуролли ҳаракат ўзининг энг қизғин палласига кирган бўлиб, советлар билан олиб борилган кўплаб тўқнашувларда маҳаллий аҳоли ҳар томонлама зарар кўрган.

Туркистонда совет ҳокимиятининг мустақамланиб бориши билан қаршилик ҳаракати ҳам секин-аста пасайиб борди. Шу сабабли матбуот органлари ҳам бу масалага бўлган “эътиборини” бироз сусайтирди. Лекин XX асрнинг 30-йилларига келиб, ўлкада бутунлай ўрнашиб олган советлар муҳолиф кучлар ҳисобланмиш истиқлолчиларни бутунлай мағлубиятга учратишни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Бу давр вақтли матбуоти саҳифаларида ҳам бу ҳаракатнинг яқунлари ҳақида маълумот берувчи материаллар кенг ўрин ола бошлади. Чунки, ўлкадаги муҳолифатнинг йўқолиши, миллий озодлик учун курашувчи кучларнинг енгилиши совет ҳокимияти учун қувонарли ҳол эди. Шунинг учун ҳам истиқлолчилик ҳаракатининг яқунлари ва унинг Туркистон ўлкаси ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида матбуот талай маълумотларни беради. Ўша давр матбуотида бу борада асосан совет ҳукуматининг истиқлолчилиқни тугатиш тўғрисидаги қарорлари, чора-тадбирлари, режалари ва қилган ишлари мунтазам ёритилиб борилган. Сўз юритилаётган даврда совет ҳукумати Туркистондаги “босмачилик” ҳаракатига узил-кесил барҳам берди.

Газеталар саҳифаларида берилган материалларга таяниб, шуни айтиш мумкинки, совет ҳукумати истиқлолчилик ҳаракатини тугатиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширган:

✓ мамлакат аҳолисининг тарқоқ ҳолда бўлганлигини ҳисобга олиб, босмачи шайкаларининг уйларига бошлаб кираётган (яъни уларга ёрдам бераётган, яшираётган – Н.Ҳ.)ларга ҳозирдан ҳарбий кучни орттириб, ҳаракат бошлаб, маҳаллаларни босмачилардан битта-биттадан тозалаш тактикасини тутиш;

✓ босмачилардан тозаланган жойларда сиёсий ишларни кучайтириш (истиқлолчиларга қарши курашда (илгари бу ҳол кўринмаган), жойлардаги ижроқўмларни кучайтириш, муҳтожларга кўмак бериш, ўз-ўзини мудоффа қилиш учун ерлик халқдан тузилган милицияни кўпайтириш [13.75-76; 14].

Ушбу вазифалар бажарилмаса, ҳарбий соҳада муваффақиятга эришиб бўлмаслигини большевиклар яхши англади эдилар. Шу вазифалар бажарилмаганлиги сабабли большевиклар дастлаб истиқлолчилар билан курашда ижобий натижага эриша олмади.

Матбуот саҳифаларида истиқлолчиликнинг яқунларига доир объектив материаллар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Масалан, истиқлолчилик ҳаракати хўжалик танглигидан келиб чиққанлигини эътиборга олиб, Туркистоннинг ҳалокатли ҳолга келган жойларида хўжалик ишлари жиддий равишда йўлга қўйилмаса, бу ердаги совет ҳукуматининг халқ орасидаги обрўсига путур етади, дейилади “Туркистон” газетасида [9; 10].

Ўша пайтларда советларнинг истиқлолчиларга қарши курашда халққа моддий ёрдам бериш, унинг кўмагини олишга ҳаракат қилганлиги матбуотда ўз аксини топган. Большевиклар ҳам худди қўрбошилар сингари асосий ёрдамни халқдан олиш энг мақбул йўл эканлигини, агар халқ қўрбошиларни ортиқ қўлламайдиган бўлса, барибир бир кун келиб уларнинг синишини билардилар. Шунинг учун ҳам Советлар халқ хўжалигини тиклашга, аҳолига моддий ёрдам кўрсатишга доир амалий ишларни бошлади. Бундан ташқари, совет ҳокимияти истиқлолчиликни тугатиш мақсадида яна қуйидаги ишларни амалга оширган:

- уруш ҳаракатларида иштирок этаётган қизил қўшинни моддий жиҳатдан таъминлаб, уларни халққа яқинлаштириш, миллийлаштириш;

- ушбу чораларни иқтисодий жиҳатдан яхши натижалар бергани каби маънавий жиҳатдан ҳам жуда аҳамиятли эканлигини

ТАРИХ

газета ва журналлар саҳифаларида ёритиб бориш [2.39; 3.197; 7.75; 4.94-95].

Бу чоралар Туркистон МИҚ томонидан эътиборга олинди ва амалда қўлланди. Шунинг учун ҳам маълум бир вақт ичида истиқлолчилик ҳаракатининг батамом йўқолиши ва Туркистонда шўро ҳокимиятининг янада мустақамланиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтсак, ХХ аср 20-30 йиллар матбуоти истиқлолчилик ҳаракати масаласида сўл позицияда турди. Ўз маслагидан келиб чиқиб, узлуксиз равишда унга қарши курашди. Бу ғоявий курашнинг энг ёмон томони шунда эдики, матбуот орқали чиқиш қилган шахсларнинг аксар қисми маҳаллий миллат вакиллари эди. Уларнинг ўз халқига, миллатига қилган мурожаатлари

қабул қилинди ва совет ҳокимияти ўлкамизда муваффақиятга эриша бошлади. Бу борадаги маълумотлар эса асосан даврий матбуот саҳифаларида ўз аксини топди. Фикримизнинг якуни сифатида шуни айтмоқчимизки, даврий матбуот ушбу муаззам ҳаракатнинг бориши, яқунлари ва оқибатлари ҳақида гарчи коммунистик мафкурага асосланиб ёндашган бўлса-да, ҳаракат тарихига оид энг муҳим ва асосий манбалардан бири бўлиб қолади. Бу манбаларни илмий муомалага киритиш, уларни архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар билан солиштириш орқали совет режимига қарши Туркистонда рўй берган қуролли ҳаракат тарихини янада теран ўрганиш мумкин.

Адабиётлар:

1. А.К. На военное положение. Красная Фергана. -1921 г., 2 ноября.
2. Березин Н. История Красной армии в Туркестане: история возникновения басмачества и борьба с ним. // Военный работник Туркестана. -№ 5-6. -1922 г.
3. Боронин Я. На басмаческих фронтах: Ферганская область. // Красная казарма. -№3. -1923 г.
4. Баранов П. Положение Туркестанской Республики и реорганизация Красной армии. // Военная мысль. Кн. 2-я. 1921.
5. Верин. Мира и хлеба. Красная Фергана. -1921 год, 11 сентября.
6. Зиёева Д. "Босмачилик" қандай пайдо бўлди? // Тафаккур. -1997. -№4.
7. Колосов А. К истории возникновения басмачества: Фергана. //Военный работник Туркестана. -№1. - 1922.
8. Туркистон. -1922 йил, 7 ноябрь.
9. Туркистон. -1923 йил, 10 июнь.
10. Туркистон. -1923 йил, 15 июль.
11. Туркистон. -1923 йил, 22 июль.
12. Улуғ Туркистон. -1918 йил, 2 сентябрь.
13. Чекалин Н. Сущность партизанских действий. // Красная казарма. -1923, №1.
14. Ўзбекистоннинг янги тарихи: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. – Т., 2000.
15. Қизил байроқ. -1922 йил, 22 июнь.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).